

Президентимизнинг парламент ҳамда юртдошларимизга йўллаган Мурожаатномаси навбатдаги сиёсий нутқ ёки ҳисобот эмас, балки давлат тараққиётини бошқаришнинг мутлақо янги форматидир. Зеро, давлатнинг келгуси ҳаракати, жамият билан муносабати ва сиёсий масъулиятини очик белгилаб берган концептуал ҳужжат сифатида майдонга чиқди. Шу маънода, у ислохотларнинг мақсади, йўналиши ва ижро механизмларини ахлит тизимга солган стратегик йўл харитасидир.

Мурожаатноманинг энг муҳим жиҳати шундаки, у ҳолис таҳлилга асосланган. Давлатимиз раҳбари иқтисодий ҳавфлар, геосиёсий кескинлик, ижтимоий тенгсизлик каби мураккаб масалаларни рўй-рост айтди. Чунки ҳақиқий ислохот муаммони тан олишдан бошланади. Бу ёндашув давлат бошқарувида очиклик ва масъулиятнинг янги стандартларини белгилаб берди.



Мазкур ҳужжат марказида давлат ва жамият ўртасидаги янги ижтимоий шартнома туради. Давлат халқ учун ишлаши шарт деган фикр декларация эмас, амалий сиёсат сифатида илгари сурилди. Сўнгги тўққиз йилда 8,5 миллиондан ортиқ фуқаро камбағалликдан чиқарилгани, камбағаллик даражаси қарийб икки баробар қисқаргани бу сиёсатнинг реал натижасидир. Мазкур ютуқлар марказдан

“ 2030 ЙИЛГАЧА ИҚТИСОДИЁТ ҲАЖМИНИ 240 МИЛЛИАРД ДОЛЛАРДАН ОШИРИШ ВАЗИФАСИ ҚЎЙИЛДИ. БУ МАҚСАД ИНСОН КАПИТАЛИГА, ИЛМ-ФАНГА, ТЕХНОЛОГИЯ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТГА ТАЯНАДИ. МАСАЛАН, ЭНЕРГИЯ САМАРАДОРЛИГИНИНГ 13 ФОИЗ ОШИРИЛИШИ БИР ЙИЛДА 1 МИЛЛИАРД ДОЛЛАР ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТ БЕРДИ.

туриб бошқариш ҳисобига эмас, балки маҳалла институти орқали таъминланди. Умуман, маҳалла ижтимоий сиёсатнинг асосий бўғинига айланди. 2026 йилнинг “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили” деб эълон қилиниши давлат бошқаруви фалсафаси ўзгарганини аёқол кўрсатади. Ислохот инсонга яқинлашди, унинг кундалик ҳаётида сезила бошлади.

Иқтисодий соҳада Мурожаатнома сифат жиҳатидан янги ёндашуви белгилаб берди. Ўсишнинг ўзи етарли эмаслиги, сифатли ва барқарор ўсиш зарурлиги очик таъкидланди. Шу боис, технологик ва инновацион ривожланиш модели танланди. 2030 йилгача иқтисодиёт ҳажмини 240 миллиард доллардан ошириш вазифаси қўйилди. Бу мақсад

интеллектуал ва рақамли технологияларга сармоя киритиш давлатнинг ёшларга ишончи ва эътибори юқори эканини англатади. Бинобарин, ёшларга ислохотларнинг объекти эмас, балки асосий драйвери сифатида қаралмоқда.

Сиёсий партиялар учун ҳам аниқ ҳулосалар билдирилди. Партия фақат сайлов олдида фаоллашадиган тузилма бўлмаслиги керак, ислохотларнинг ижтимоий таянчи, жамоатчилик назоратининг фаол иштирокчиси бўлиши шарт. Қонунчилик ташаббуси, парламент назорати, жойлардаги муаммоларни юқори даражага олиб чиқиш партияларнинг амалий қийматини белгилайдиган мезонлардир. Агар партиялар бу вазифаларни бажармаса, уларга жамиятдаги ишонч пасаяди.

ҲАР БИР МАҲАЛЛА ХАВФСИЗ ҲУДУДГА АЙЛанади

БУ БОРАДА ЯНГИҲАЁТ ТУМАНИДА ҚАНДАЙ САЪЙ-ҲАРАКАТЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА?

Бошланиши 1-бетда

Натижада маҳаллаларда жиноятчилик камаймоқда, тинч-тотувлик муҳити аҳолининг яратувчиллик, бунёдкорлик салоҳияти юксалишига замин яратмоқда.

Жорий йилнинг “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили” деб номлангани ушбу эзгу ишларга янги ҳаёт руҳ бахш этмоқда. Зеро, маҳалла миллий урф-одат ва анъаналаримиз бешиги, одамларни ўзаро бир-бири билан уйғун, баҳамжиҳат яшашга ўргатадиган, инсон онг-тафаккурига ватан деб аталмиш улугвор туғйуни жо этадиган бетакорор маскандир. Шу боис, маҳалла институтига миллий давлатчилигимизнинг асосий куйи бўғини сифатида қаралиб, унинг жамият бошқарувидаги ўрни ва ролини кучайтириш борасида кенг қўламли ва пухта ўйланган ислохотлар амалга оширилмоқда.

Президентимиз Олий Мажлис ва халқимизга йўллаган Мурожаатномасида бу йўналиш бўйича истикболдаги вазифаларга тўхталиб, маҳалла инфратузилмасини тубдан яхшилаш орқали мамлакатимизни ҳар томонлама ривожлантириш, унинг қиёфасини янада гўзал ва обод қилиш борасидаги ишлар изчил давом эттирилишини алоҳида таъкидлади. Хусусан, 2026 йилда амалга ошириладиган дастуридан биричи устувор йўналиши маҳалла инфратузилмасини янада яхшилаш, уларга янги Ўзбекистон қиёфасини олиб киришдан иборат бўлади.

Маҳаллаларда хавфсиз муҳит яратиш ва жиноятчиликнинг олдини олиш масаласи давлатимиз сиёсатининг муҳим қисми сифатида белгиланиб, сўнгги йилларда бу йўналишдаги ишларни ташкил этишда ўзига хос тизим яратилди. Жумладан, Президентимизнинг 2025 йил 3 январдаги “2025 йилда республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш тизими самарадорлигини янада ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш юзасидан Янгиҳаёт туманида ҳам муайян ишлар қилинди.

Хусусан, савдо, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, жамоат жойлари хатловдан ўтказилиб, улар атрофида хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ташвиш тутмалари ўрнатилди ва техник қўриқлаш марказларга уланди. Қримноген вазият оғир маҳаллалардаги фуқаролар бандлигини таъминлаш, ижтимоий кўмакка муҳтож аҳолини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилди. Натижада қарийб 1,5 минг киши ишли бўлди, ижтимоий кўмакка муҳтож 1700 дан кўпроқ



Алишер ҲОТАМОВ,
Тошкент шаҳар Янгиҳаёт тумани ҳокими ўринбосари

хотин-қизнинг муаммоси ҳал этилди. Тазйиқ ва зўравонликка учраган 180 хотин-қизга ҳимоя ордери берилди.

Мақтабларда ўтказилган “Давомат”, “Ўқувчи”, “Ўсимир” тадбирлари давомида ижтимоий кўмакка муҳтож оилалар фарзандларининг муаммоларини ҳал қилишга кўмаклашилди. Ўқувчиларнинг муаммоларини жойида ҳал қилиш бўйича ҳар ойда туман ташкилотлари раҳбарлари иштирокида “Раҳбар ва ёшлар учрашувлари” ўтказилди. “Оғир тоифа”даги ёшларнинг 120 нафари касб-хунарга, 267 нафари чет тилларга ўқитилди, 298 нафарининг бандлиги таъминланди. Ёшларнинг ҳаётида муносиб ўрин эгаллашига кўмаклашиш, ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш бўйича юздан кўпроқ тадбир ўтказилди.



Меҳнат миграциясидан қайтиб келган 155 фуқаро билан ваколатли идоралар, соҳавий хизматлар ва “маҳалла еттилиги” ҳамкорликда манзилли ишлар олиб борди. Хорижга ишга кетадиган ёшлар орасида расмий миграция ташкилотлари хизматидадан фойдаланиш тартиб этилатилди.

“Хавфсиз маҳалла” тамойилини жорий этиш, жамоат тартибини сақлаш, кримноген вазият барқарорлиги ҳамда хавфсизлигини таъминлаш мақсадида аҳоли гавжум жойлар, кўчалар, кўп қаватли уйларнинг ҳовлилари, маҳаллаларнинг кириш-чиқиш жойларига кузатув камералари ўрнатилди. Шунингдек, мактаб ва мактабгача таълим ташкилотларининг кириш-чиқиш жойлари ҳамда спорт майдончаларида ҳам замонавий кузатув воситалари қўйилди.

Жамоат тартибини сақлашда давлат органлари, кенг жамоатчилик ва фуқаролар билан ҳамкорлик самарали кечмоқда. Аҳолининг фироғбарлик жиноятлари қурбонига айланишнинг олдини олиш мақсадида 500 га яқин профилактик тадбир ўтказилди. Аҳолида киберамданиятни шакллантириш ҳамда ушбу соҳада содир этилаётган жиноятларнинг олдини олиш мақсадида тарғибот ишлари олиб борилди.

Оила-турмуш доирасида эзликка яқин низоли масала кўриб чиқилиб, муҳокама қилинди. Шу асосда нотинч оилалардаги муҳит яхшиланиб, ажралиб кетиш арафасида турган бир қанча оила яраштирилди. Табиийки, бу нафақат бир оила, балки бутун миллат тақдирига дахлдор катта ютуқдир. Зеро, оила тинч бўлса, унинг бағрида ёшлар бекаму кўст камолга етади. Бу бахтиёрлик муҳити маҳалла ва жамиятда оёсийишталик қарор топишига замин яратади.



ИСЛОХОТЛАР ОСТОНАСИ

“ХАВФСИЗ МАҲАЛЛА” ТАМОЙИЛИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ, ЖАМОАТ ТАРТИБИНИ САҚЛАШ, КРИМИНОГЕН ВАЗИЯТ БАРҚАРОРЛИГИ ҲАМДА ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ МАҚСАДИДА АҲОЛИ ГАВЖУМ ЖОЙЛАР, КЎЧАЛАР, КЎП ҚАВАТЛИ УЙЛАРНИНГ ҲОВЛИЛАРИ, МАҲАЛЛАЛАРНИНГ КИРИШ-ЧИҚИШ ЖОЙЛАРИГА КУЗАТУВ КАМЕРАЛАРИ ЎРНАТИЛДИ.

Ўтган йили маҳаллаларда хавфсиз муҳит яратиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича қилинган ишлар бу борада мамлакатимиз бўйлаб муҳим натижаларга эришди. Хусусан, юртимизда жиноятчилик 1,5 баробар камайди. Туманимиз бу борада Тошкент шаҳрида етакчи ўринларни эгаллагани бежиз эмас.

Эндиликда бу жабҳадаги ишлар изчил давом эттирилиб, яхлит ва манзилли ишлаш тизимига ўтилади. Давлатимиз раҳбарининг 2026 йил 5 январдаги “Республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш йўналишида яхлит манзилли ишлаш тизимини жорий этишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори бу борада муҳим дастуриямал бўлмоқда.

Ҳужжатга мувофиқ, ҳар бир маҳаллада криминоген вазиятга салбий таъсир этувчи омиллар билан ишлашнинг маҳалларда кесимида ҳар чораклик манзилли чора-тадбирлари белгиланади. Аҳолининг ижтимоий-маиший муаммоларини ҳал этиш орқали олдини олиш мумкин бўлган ҳар бир жиноят бўйича маҳаллий ҳокимликларнинг масъулиятини ошириш, ижтимоий профилактика субектлари томонидан бажарилган тадбирлар

Президентимиз миллий бирлик ва сиёсий барқарорлик масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратди. Фикрлар хилма-хиллиги демократиянинг белгиси экани, бироқ Ватан манфаати умумий мезон бўлиши кераклиги айтилди. Маҳалла бу умумийлиқни сақлаб турадиган институтдир. Ижтимоий сўровларга кўра, аҳолининг 90 фоизи ўзини маҳалла жамоасининг бир қисми деб ҳис қилиши жамият барқарорлигининг мустаҳкам ижтимоий пойдеворга эга эканини кўрсатади.

Мурожаатноманинг яна бир муҳим жиҳати, давлат бошқарувида натижадорлик мезонларининг кескин қучайтирилганидир. Илгари қарор қабул қилишнинг ўзи натижа ҳисобланган бўлса, энди қарорнинг ижроси, жойларда қандай самара бергани асосий баҳолаш мезонига айланмоқда. Президентимиз ҳисобот учун эмас, натижа учун ишлаш дари бошланганини таъкидлади. Бу эса бутун бошқарув тизимида фикрлаш ва ишлаш тарзимиини ўзгартиришни талаб қилади.

Айниқса, парламент вакиллик органлари олдидаги вазифалар мутлақо янгица мазмун касб этмоқда. Энди депутат ва сенаторлар фақат қонун қабул қилувчи эмас, балки ислохотларнинг амалга ошишини назорат қилувчи сиёсий институт сифатида майдонга чиқмоқда. Мурожаатномада парламент назоратини қучайтириш, ижро ҳокимияти фаолиятига ҳолис баҳо бериш, мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини ошириш белгиланди. Бу — давлат ҳокимияти тармоқлари ўртасидаги мувозанатни мустаҳкамлашга қаратилган тизимли ёндашув.

Ижтимоий соҳада ҳам янги устувор йўналишлар белгилаб берилди. Давлатнинг ижтимоий маҳбурияти кўлами кенгайимди. Бу ижтимоий боқимандалиқни эмас, инсоннинг ўз салоҳиятини рўёбга чиқаришини қўллаб-қувватлашга қаратилган. Камбағалликни қисқартириш сиёсати нафақат моддий ёрдам, балки таълим, касбга ўқитиш, тадбиркорликка жалб этиш орқали амалга оширилмоқда. Бу ёндашув ижтимоий адолат ва иқтисодий самарадорлик ўртасидаги мувозанатни таъминлайди.

Таълим соҳасига эътибор ҳам Мурожаатноманинг стратегик моҳиятини очиб берди. Таълим харажат эмас, балки инвестиция экани қатъий белгилаб қўйилди. Мактабгача таълим қамрови кенгайиши, олий таълимга кириш имконияти ошиши, замонавий касбларга йўналтирилган ўқув дастурлари жорий этилиши инсон капитали сифатини оширишга хизмат қилмоқда. Чунки рақобатбардош иқтисодиёт фақат билимли ва креатив фикрли авлод орқали шаклланади.

Тиббиёт соҳасидаги ислохотлар ҳам инсон манфаатига қаратилган. Бирламчи тиббий хизматни қучайтириш, профилактикага эътиборни ошириш, тиббий хизматлари аҳолига янада яқинлаштириш орқали соғлом жамиятни шакллантириш мақсад қилинган. Бу ёндашув давлат харажатиини оптималлаштириш билан бирга аҳолининг ҳаёти сифати-га бевосита таъсир кўрсатади.

Мурожаатномада ташқи сиёсатдаги устувор йўналишлар ҳам аниқ белгилаб берилди. Ўзбекистон очик, прагматик ва мувозанатли ташқи сиёсат юритмоқда. Ҳеч бир блокка қарам бўлмай, миллий манфаатлардан келиб чиққан ҳолда ҳамкорлик қилиш тамойили устувор. Бу сиёсат халқаро майдонда мамлакат нуфузини, инвестиция жозибадорлигини оширди ва иқтисодий ўсиш учун янги имкониятлар очди.

Хусусан, халқаро молиявий институтлар билан ҳамкорлик, суверен рейтингнинг яхшиланиши давлат молиясига ишончини мустаҳкамлади. Бу эса узоқ мuddатли инвестицияларни жалб қилиш, инфратузилмаларни лойиҳаларни амалга ошириш учун мустаҳкам замин ҳозирламоқда.

Қонун устуворлиги ва суд-ҳуқуқ ислохотлари ҳам алоҳида ўрин тутди. Адолатли суд тизимисиз иқтисодий тараққиёт ҳам, ижтимоий барқарорлик ҳам бўлмаслиги қайд этилди. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, тадбиркорлик субъектлари учун ҳуқуқий кафолатларни мустаҳкамлаш давлатнинг устувор вазифаси сифатида белгиланди. Бу эса жамиятда адолат ҳиссини қучайтиради.

Мурожаатноманинг умумий руҳи бир фикрга бориб тақалади: давлат ислохот ўтказадиган субъект, жамият эса фаол иштирокчи бўлиши керак. Агар жамият фаол бўлмаса, энг тўғри стратегия ҳам ишламайди. Шунинг учун жамоатчилик назорати, фуқаролар жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари ролини ошириш зарурилиги таъкидланди.

Шу маънода, Мурожаатнома ҳар бири-миш учун сиёсий қаҳриқчиқдир. Сенатор учун қонун ижодкорлиги ва назоратда масъулиятни ошириш, партия вакиллари учун жамият билан ишлаш, реал муаммоларни ҳал қилиш, ёшлар учун ўз тақдирини ва мамлакат келажаги учун жавобгарлиқни ҳис қилиш қаҳриқчи.

Агар биз Мурожаатномани фақат муҳокама қилсак, у ўз аҳамиятини йўқотади. Ҳаётга таътиб этсак, янги Ўзбекистон тараққиётининг ҳақиқий стратегик йўл харитасига айланади. Ана шу танлов бугун ҳар биримизнинг олдимизда турибди.

масъул идоралар ва муассасалар томонидан қўрилаётган чораларнинг самарадорлиги устидан электрон назорат тизими кенг жорий этилади. Бунга мисол тариқасида туманларда ташкил этиладиган ситуацион марказларни келтириши мумкин.

Яна бир муҳим масала, идоралараро ҳамкорлик ҳисобланади. Айни пайтда бу жабҳада ҳамкорлик амалда йўлга қўйилган, аммо кўпроқ тавсиявий характерда эди. Энди тизимли ва аниқ вазифалар белгиланиб, ички ишлар органлари, прокуратура, таълим, соғлиқни сақлаш, бандлик ва маҳалла тизимлари бир занжирга уланади. Зеро, жамоат тартибини сақлашда ҳар бир масаланинг ўз вақтида ечилиши учун ўзаро ҳамкорлик ниҳоятда муҳим.

Қилинган ишларнинг назорат ва ҳисоботини юритиш масаласи ҳам янгица ёндашув талаб этади. Бу борада “натижа бўлмаса, жавобгарлик бор” тамойили қатъий жорий этилиб, бажарилган ишлар таҳлили, рейтингни, ҳисоботи тизимли юритилади. Паст натижа кўрсатган раҳбарларга интизомий чоралар қўрилиши кўзда тутилди.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича ёндашувиини ўзгартириш ҳам муҳим талаблардан бири. Бу борада хавфни олдиндан аниқлаш ва муаммо келиб чиқмасидан олдин ечиш тамойилини йўлга қўйиш аини мuddао. Бунинг учун реактивдан проактив тизимга ўтиб ишлаш бугунги даврнинг муҳим талабидир.

Жамиятимизда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашда иқтисодий лойиҳаларнинг самараси катта. Мисол учун, яширин иқтисодиётнинг баргараф этиш орқали ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларини янада яхшилашга эришиш мумкин. Бу эса янги иш ўринлари қўйилишига замин яратади. “Соҳа”да фаолият юритаётган тадбиркорларни юзга чиқариш орқали ушбу корхоналарда ишлаётган ишчиларнинг давлат томонидан яратилган ижтимоий-иқтисодий имтиёزلардан фойдаланиш имконияти кенгайди. Буларнинг барчаси, аввало, инсон манфаатига, ишчи ва ҳодимларнинг қонуний ҳуқуқларини таъминлашга хизмат қилади.

Шу боис, туманимизни яширин иқтисодиётни қисқартириш бўйича намунали ҳудудга айлантиришнинг устувор вазифалардан бири этиб белгиланганимиз. Мутахассисларнинг бу соҳада ўтказган таҳлиллари кўрсатяптики, агар бу жабҳадаги ишлар манзилли ташкил этилса, бюджетга қўшимча 34,3 миллиард сўм солиқ тушуми бўлади. Табиийки, бу маблағ, аввало, ҳудуд инфратузилмаси яхшиланиши, аҳоли фаровонлиги ошишига замин яратади. Шу мақсадда тегишли чора-тадбирларни ўз вақтида амалга ошириш мақсадида топшириқлар ижроси доимий мониторинг қилиб борилади.

Бу чора-тадбирлар маҳаллаларни ривожлантириш бўйича комплекс ёндашувлари жорий этиш ва амалга ошириш, жойларда аҳолини қийнаётган муаммоларни ўз вақтида аниқлаш ва оқилона ечим топиш, ҳар бир юрдошимиз ислохотлар натижасини кундалик ҳаётида янада кўпроқ ҳис қилиши учун зарур шароитларни яратишга самара беради. Маҳаллада бошланган бундай улкан эврилишлар ҳар бир соҳа, ҳар бир йўналишда янги ютуқларга замин ҳозирлайди, олдимизга қўйилган эзгу мақсад — обод, эркин, фаровон янги Ўзбекистонини барпо этишда пойдевор бўлади.



МУНОСАБАТ

ЯНГИЛАНАЁТГАН ДАВР ВА УЛКАН МАРРАЛАР ФАЛСАФАСИ:

МИЛЛАТ КЕЛАЖАГИ ЎЗГАРИШЛАР ШАББОДАСИДА



Шухрат СИРОЖИДДИНОВ,
академик

Бошланиши 1-бетда

Дарҳақиқат, 2023 йилда қабул қилинган мажбурий ҳужжат барча соҳа ва тармоқларда улкан натижаларга эришиш бўлиб келатганини инкор этиб бўлмайди. Рақамлар шунчаки қуруқ статистика эмас, улар ортда миллионлаб инсонлар тақдирини, халқимизнинг фидокорона меҳнати ва давлат раҳбарининг қатъий сиёсий иродаси муҳасам. Келинг, биргина иқтисодий кўрсаткичларга эътибор қаратайлик: камбағаллик даражаси 11 фоиздан 6,8 фоизга, ишсизлик эса 6,8 фоиздан 4,9 фоизга туширилиши шунчаки фоизлар ўзгариши эмас, балки юз минглаб оилаларга кириб борган барака, дастурхонлардаги тўқинлик ва келажакка ишончининг мустаҳкамланишидир. Яппи ички маҳсулот ҳажми 103 миллиард доллардан 145 миллиард долларга етиши эса мамлакатимиз иқтисодий қудратининг сезиларли юксалганини, Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодий аренасида ўз ўрнига эга бўлиб бораётганини яққол намоён этади.

Экспорт ҳажми 25 миллиард доллардан 33,4 миллиард долларга, хорижий инвестиция миқдори 17 миллиард доллардан 43 миллиард долларга ошиши дунё ҳамжамиятининг Ўзбекистонга ишончи ортиб бораётганидан далолат. Инвестиция ишонч капиталидир. Хорижий ҳамкорларимиз юртимиздаги барқарорлик, очкичлик ва шаффофлик сиёсатига ишониб, ўз маблағини киритишга қувонarli хол. Шунингдек, хорижий сайёҳлар сонининг 6,6 миллиондан 8,6 миллион нафарга етиши 2017 йилдан буён туризмининг ривожлантириши, бой маданий меросимиз ва туризм салоҳиятининг дунё бўйлаб кенг тартиб этиш бўйича юритилаётган сиёсат самарасидир.

Ижтимоий соҳадаги ўзгаришлар, хусусан, таълим тизимидаги ислохотлар алоҳида эътирофга лойиқ. Мактабгача таълим қамровининг 72 фоиздан 78 фоизга, олий таълим қамровининг эса 42 фоизга етказилиши келажак авлод камолоти учун қўйилган мустаҳкам пойдевор ҳисобланади. Зеро, фақат маърифатли жамиятгина юксак тараққиётга эриша олади. Ўзбекистон билан дипломатик муносабатлар ўрнатган давлатлар сонининг 144 тадан 164 тага етиши мамлакатимизнинг халқаро майдондаги нуфузи ва обрў-эътибори тобора ортиб бораётганини кўрсатади. Шубҳасиз, бу рақамлар ҳар биримизга гуруру ва ифтихор бағишлайди.

Мурожаатномада келтирилган яна бир муҳим жиҳат борки, у кишини чуқуру мушоҳада қилишга ундайди. Икки йил аввал 2030 йилгача яппи ички маҳсулотимиз ҳажмининг 160 миллиард долларга етказиш мақсади қўйилган эди. Бироқ бугунги шиддатли ривожланиш суръатлари бу маррага 2026 йилнинг ўзидаёқ эришилиши кутилаётганини кўрсатмоқда. Бу юртимизда юритилаётган оқилона сиёсат ҳамда халқимиз бунёдкорлик салоҳиятининг ёрқин нишонасидир. Эндиликда келгуси беш йилда иқтисодиётимиз ҳажмининг 240 миллиард доллардан ошириш имконияти мавжудлиги таъкидланмоқда. Ушбу улкан марра барча соҳалар бўйича янгича ёндашувини, янада юксак масъулият ва сафарбарликни талаб этиши табиийдир.

Демографик жараёнлар ҳам стратегик режаларни қайта кўриб чиқишни тақозо этаётган омиллардан бири саналади. 2023 йилда аҳолимиз сони 36,7 миллион нафарни ташкил қилган бўлса, 2030 йилга бориб 41 миллионга етиши прогност қилинмоқда. Аҳоли сонининг ўсиши катта неъмат, аини пайтда улкан масъулият ҳамдир. Янги туғилган ҳар бир чақалоқ эртага боғча, мактаб, олий ўқув юрти, иш ўрни ва муносиб турмуш шароитига эҳтиёж сезади. Шу боис, янги мақсадларни айнан шу ўсишни инобатга олган ҳолда белгилаш бугунги куннинг энг муҳим ва долзарб талабидир. Биз нафақат бугунги кун, балки келажак авлодлар олдидаги масъулиятимизни ҳам чуқуру ҳис этмоғимиз лозим.



Яратилаётган имкониятлар ва эришилаётган ютуқлар ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ. Уларнинг замирида тинимсиз изланишлар, халқ дardини ҳис қилишдек юксак инсоний фазилатлар ётибди. “Ўзбекистон — 2030” стратегиясининг такомиллаштирилган лойиҳаси ишлаб чиқилиб, uzbekistan2030.uz ҳамда regulation.gov.uz платформаларида жамоатчилик муҳокамасига қўйилди. Бу платформалар фуқароларга ўз юртининг келажакига дахлдорлик ҳиссини туйиш, таклиф ва мулоҳазаларини билдириш имконини беради. Зеро, ватан равақи учун қайғуриш, унинг эртанги кунига ҳисса қўиш барчамизнинг фуқаролик бурчимиз ва инсоний вазифамиздир.

Зиёли сифатида айтишим мумкинки, ҳар қандай буюк асар муаллиф ва китобхон ўртасидаги мулоқот маҳсулидир. Худди шундай, буюк давлат ҳам раҳбар ва халқ ўртасидаги ўзаро ишонч, ҳамжихатлик ва ҳамкорлик асосида бунёд этилади. Бугун биз гувоҳи бўлаётган жараёнлар, яъни стратегиянинг халқ муҳокамасига қўйилиши миллат ва давлат ўртасидаги ўзига хос ижтимоий шартноманинг янгиланиши, мақсадлар муштараклигининг ифодасидир. Халқимизнинг доғишмандлиги, узоқни кўра билиш салоҳияти ушбу ҳужжатнинг янада мукамал, ҳаётий ва халқчил бўлишига хизмат қилиши шубҳасиз.

Янги тахрирдаги стратегияда инсон қадри, унинг ҳуқуқ ва манфаатлари, фаровон турмуши бош мезон сифатида белгилангани қувонarliдир. Иқтисодий ўсиш рақамлари ортида инсон омили, унинг бахту саодати туриши лозимлиги тамойили ушбу ҳужжатнинг

руҳига сингдирилган. Камбағалликни янада қисқартириш, таълим ва тиббиёт сифатини ошириш, экологик барқарорликни таъминлаш, адолатли жамият қуриш каби вазифалар стратегиянинг асосий йўналишлари сифатида белгилангани халқимизнинг кўнглидаги гаплар бўлди, десак муболага бўлмайди.

Бугунги даврда жаҳон тартиботи ўзгара бошлаган, қудратли давлатлар орасида турли эъидият ва очиқ келишмовчиликлар авж олган бир пайтда Ўзбекистоннинг тинчлик-севар, очик ташқи сиёсати ҳамда ички барқарорлиги тахсинга лойиқ ноёб ҳодисадир. Айнан шу барқарорлик омили туйфайли биз узоқни кўзлаган стратегик режаларни нафақат тузиш, балки уларни мудатидан аввал рўёбога чиқариш, дадил қадамлар ташлаш имкониятига эга бўлмоқдамиз.

“Ўзбекистон — 2030” стратегиясининг янгиланиши жараёнида маънавий-маърифий жабҳаларга, хусусан, миллий ўзликини англаш ва қадриятларни асраб-авайлаш масалаларига янада чуқурроқ ургу берилиши аини муддаодир. Негаким моддий фаровонлик қанчалик юксалмасин, агар маънавият оксаса, жамиятда тўлдириб бўлмас бўшлик пайдо бўлиши муқаррар. Шу боис, янги тахрирдаги ҳужжатда моддий ва маънавият уйғунлиги, инсон капиталини ривожлантириш масаласи ислохотларнинг “қизил или” бўлиб ўтиши шарт.

Мамлакатимизда Уччинчи Ренессанс пойдевори яратилаётган аини дамларда ҳар бир соҳа вакили, хусусан, биз, зиёлилар ўзимизга “Мен ватаним ривожини учун бугун нима қилдим?” деган саволни қайта ва қайта беришимиз жоиз. Стратегияни такомиллаштириш

нинг трансферига, ташқи бозори аник, юқори қўйилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқаришга хизмат қилиши кераклиги қатъий қайд этилди. Бу ёндашув мамлакатимизда “билимлар иқтисодиёти”ни ривожлантириш, ёшларимизнинг замонавий касбларни эгаллаши ва инсон капиталининг сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилишига заминдир.

Хуқуқий сиёсат нуқтан назирадан, хорижий инвестицияларни жалб этиш ва ўзлаштириш вазифаси миллий қонуқчиликини нафақат либераллаштириш, балки уни инвесторлар учун энг қулай ва қаолатли тизимга айлантиришни тақозо этади. Хусусан, инвестиция лойиҳаларининг самарадорлигини таъминлайдиган, бюрократиядан холи бўлган алоҳида янги институционал тизимнинг ҳуқуқий пойдеворини яратиш муҳим.

Шу ўринда, қонуқчиликда “стратегик инвестор” мақомини ва унинг мезонларини аник мустаҳкамлаш, уларга божхона барқарор ҳуқуқий режим, солиқ ва божхона преференцияларини қўллаш ҳамда давлат томонидан кўрсатиладиган хизматлар рақамлаштирилишини кенгайтириш долзарб аҳамият касб этади. Бундан ташқари, инвесторлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда халқаро стандартларга мос келувчи механизмлар, жумладан, халқаро арбитраж институтларини миллий ҳуқуқ тизимига интеграция қилишни янада такомиллаштириш инвестиция муҳитининг ишончилигини оширишга хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизнинг инвестициявий жозибadorлигини янада ошириш янгиланаётган “Ўзбекистон — 2030” стратегиясининг марказий гоғларидан бири, у иқтисодий ўсиш, миллий иқтисодиёт рақобатдорлиги ва аҳоли фаровонлигини таъминлашга қаратилган. Стратегиянинг муваффақиятли амалга оширилиши Ўзбекистонни нафақат инвестициялар макониға, балки одамлар яшаш ва ишлаш учун энг қулай, фаровон ва барқарор мамлакатга айлантиради. Бугун Ўзбекистонга киритилаётган ҳар бир сармоя бу — порлоқ ва қаолатланган келажакка тикланган энг тўғри қадамдир.



Адиба САФАРОВА,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузуридаги
Қонуқчилик ва ҳуқуқий сиёсат
институтини бош илмий хodими

Бошланиши 1-бетда

Қайд этиш керакики, стратегияда белгиланган мақсадларнинг жадал амалга оширилиши натижасида илгари 2030 йилгача 160 миллиард долларга етказиш режалаштирилган яппи ички маҳсулот ҳажмига 2026 йилнинг ўзидаёқ эришилиш имконияти яратилди. Эндиликда олдимизга янги ва янада юксак марра қўйилиб, келгуси беш йилда иқтисодиётимиз ҳажмининг 240 миллиард доллардан ошириш вазифаси белгиланмоқда. Бу эса Ўзбекистоннинг яқин йилларда даромади ўртадан юқори бўлган мамлакатлар қаторига қўйилишини аниглайди.



тимизнинг инвестициявий жозибadorлигини ошириш стратегиянинг ҳал қилувчи драйвери ва устувор йўналишларидан бири сифатида қайд этилган.

Хусусан, Президентимизнинг “Мамлакатимиз 2030 йилгача мўлжалланган тараққиётнинг устувор йўналишлари доирасида ислохотларни изчил давом эттириш ва янги босқичга олиб чиқишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони лойиҳаси ишлаб чиқилди. Ушбу тарихий ҳужжат билан таъкидланган “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида мамлакатимизда хорижий инвестицияларни жалб қилиш ҳажмининг йиллик ўртача 7 фоизга ошириш вазифаси аник белгиланмоқда.

Бу кўрсаткичга инвестиция муҳитини янада яхшилаш, инвесторлар ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилиш, инфратузилмани ривожлантириш ва давлат-хусусий шериклик механизмларини кенг жорий этиш орқали эришилиши шубҳасиз. Хорижий давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, ривожланаётган мамлакатларда хорижий тўғридан тўғри инвестициялар ўсиш суръати одатда йиллик 5-10 фоиз атрофида бўлади. Шу жиҳатдан, Ўзбекистон учун 7 фоизлик йиллик ўсиш мақсади халқаро амалиётга тўлиқ мос, реал ва эришилш мумкин бўлган кўрсаткич ҳисобланади.

Шунингдек, такомиллаштирилаётган “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида капитал бозорини ривожлантиришга қаратилган муҳим ташаббуслар ҳам ўрин олган. Хусусан, 40 та



БУГУННИНГ ГАПИ

давлат иштирокидаги корхоналар акцияларини “Халқ IPO”сига чиқариш вазифаси кўзда тутилган.

Мазкур вазифанинг амалга оширилиши натижасида аҳолининг бўш турган маблағлари иқтисодиётга фаол жалб этилиб, юртдошларимиз йирик санoат корхоналарининг даромади-дан тўғридан тўғри улуш олиш имкониятига

эга бўлади. Бу “ҳар бир фуқаро — инвестор” тамойили асосида умумимиллий фаровонликни оширишга хизмат қиладиган ижтимоий адолат намунасидир.

Бундан ташқари, стратегия лойиҳасида иқтисодиёт тармоқлари ва худудларда умумий қиймати 150 миллиард долларлик 400 дан зиёд стратегик аҳамиятга эга технологиялар ва инф-



ратузилмавий инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш кўзда тутилган. Ушбу меғалойиҳалар санoатини технологик янгиллаш, транспорт ва энергетика инфратузилмасини ривожлантиришга хизмат қилиши билан аҳамиятли.

Ушбу стратегик, хусусан, келгуси беш йилда 180 миллиард долларлик хорижий инвестиция лойиҳаларининг тўлиқ ишга туширилиши натижасида республикамизда юқори даромадли 1 миллион янги иш ўрни яратилади. Санoатнинг технологик жиҳатдан янгиланиши экспорт салоҳиятини кескин ошириб, 2026 йилнинг ўзида экспорт кўрсаткичининг 40 миллиард долларга етказиш ҳамда экспортда тайёр ва ярим тайёр маҳсулотлар улушини 55 фоиздан ошириш имконини беради. Энг муҳими, замонавий инфратузилма ва барқарор энергетика тизими барпо этилиб, худудлар қиёфаси

тубдан ўзгаради, аҳоли учун қулай ва замонавий яшаш шарoитлари яратилади.

МИНТАҚАВИЙ ҲАМКОРЛИК

ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР – ТАБИИЙ ЗАРУРАТ

ҚЎШНИ БОЗОР — АФЗАЛЛИКЛАРИ

Ҳамкорликнинг илк мезони савдодир. Тижорат бор жойда барака бўлади, халқ фаровон яшайди. Сўнгги йилларда минтақа давлатлари раҳбарлигининг саъй-ҳаракати натижасида ўзaro савдони энгил ва тез амалга ошириш учун муайян даражада қулай-ликлар яратилмоқда. Аммо бу борада ҳали қўлинадиган ишлар талайгина. Жумладан, чегарадан ўтши тартиби енгиллаштирил-са, божхона жараёни рақамлаштирил-са,

ТЕЖАМКОРЛИК

Сардор ТОЛИБОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири



Йўлчи РЎЗИЕВ,
Ренессанс таълим университети
ахборот технологиялари кафедраси
катта ўқитувчиси

XXI аср инсоният ҳаётига ахборот асри сифатида кириб келди. Унинг чорак қисми ортда қолган бир даврда рақамли технологиялар, сунъий интеллект, ижтимоий тармоқлар ва мобил платформалар жамият тафаккурини тубдан ўзгартириб юборганига гувоҳ бўлиб турибмиз. Авваллари ахборот чекланган манбалар орқали тарқалган бўлса, бугун у узлуксиз, чегарасиз ва назоратсиз кўриниш олди. Инсон ҳар кuni минглаб хабарлар, тасвирлар ва фикрлар билан тўқнаш келмоқда. Ушбу ҳолат ахборотнинг ўзи қанчалик муҳим эканини кўрсатиш билан бирга уни англаш маданияти нақадар зарур эканини ҳам намоён этаётди.



Инчунин, ахборот тезлиги тафаккур тезлигидан илгарилab кетаётган бир шaroитда жамият олдида янги муаммо пайдо бўлди. Бу муаммо ахборот етишмаслиги билан боғлиқ бўлмаган, аксинча, унинг ҳаддан ташқари кўпчилиги билан кечадиган мураккабликдан келиб чиқади. Яъни ана шундай шaroитда ахборот сараланмаса, таҳлил қилинмаса, контекстан узиб қабул қилинса, у ривожланишга қизмат қилмайди, балки онгни чарчатиб, фикрни тарқоқ қиладиган, бу орқали ижтимоий беқарорликни кучайтирадиган воситага айланиши эҳтимоли юқори.

Шу бoис, янги Ўзбекистон тараққиёти йўлида ахборот омилига алоҳида эътибор қаратилаётгани бежиз эмас. Давлат бошқарувида очиклик, жамоатчилик билан мулоқот, рақамли хизматлар кенгайтириш бoрoётган бир вазиятда ахборот билан ишлаш маданияти жамият барқарорлигининг муҳим шартидир. Айни шу нуқтада медиасаводхонлик масаласи умумийиқтимоий эҳтиёж даражасига

кўтарилган масала сифатида намоён бўлади. Бу ўринда инсонни ахборотдан ҳимоялаш ҳақида гап кетмаепти. Масала инсонда ахборотни тўғри ва онгли равишда қабул қилиш ҳамда масъулият билан тарқатиш қобилиятини шакллантиришда.

Ахборот билан ишлаш маданияти муайян қондалар ва бoсқичлар асосида шаклланади. Бу жараён тартибсиз ёки тасодифий бўлиб қолса, ахборотнинг ижтимоий қиймати йўқолади. Шу бoис, у билан ишлашда бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган бир неча муҳим бoсқич ажратиб кўрсатилади:

— биринчи бoсқич — ахборотни қабул қилиш. Бу ерда инсоннинг эътибори ва онгли танлови муҳим аҳамият касб этади. Ҳар қандай хабарни қабул қилишдан аввал унинг манбаси, вақти ва мазмуни ҳақида ўйлаб кўриш зарур. Ахборот оқими ҳақида танлов қила олиш қобилияти шакланмаган шахс кўпинча ҳиссий бoсим таъсирида қолиб кетади;

МЕДИАСАВОДХОНЛИК СОҒЛОМ ТАФАККУР МУҲИТИНИ ЯРАТАДИ

АХБОРОТ МАДАНИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШ
ОРҚАЛИ ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ЎЗ АХБОРОТ МАКОНИДА
МИЛЛИЙ МАНФААТЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛАДИ ВА КЕЛАЖАК
АВЛОД УЧУН СОҒЛОМ ТАФАККУР МУҲИТИНИ ЯРАТАДИ.
УШБУ ЖАРАЁН УЗЛУКСИЗ, МАСЪУЛИЯТЛИ ВА ИЗЧИЛ ЁНДАШУВНИ ТАЛАБ ЭТАДИ.

— иккинчи бoсқич — таҳлил жараёни. Таҳлил ахборотни юзак қабул қилишдан чуқур англашга олиб бoради. Бу бoсқичда хабар мазмуни бошқа манбалар билан солиштирилади, контекст ҳисобга олинади, муаллиф позицияси аниқланади. Таҳлил жараёни танқидий фикрлашни шакллантиради ва онгли қарорлар қабул қилишга замин яратади;

— учинчи бoсқич эса ахборотни тарқатиш билан боғлиқ ижтимоий масъулиятни ўз ичига олади. Бугунги кунда ҳар бир фойдаланувчи ижтимоий тармоқларда ўз аудиториясига эга. Шу сабабли ҳар қандай ахборотни тарқатишдан олдин унинг ижтимоий таъсири ҳақида ўйлаш зарур;

— тўртинчи бoсқич — ортиқча ва зарарли ахборотдан онгли равишда чекинши маданияти. Ҳар қандай ахборот фойдали бўлавермайди. Баъзи хабарлар инсон руҳий ҳолатига салбий таъсир кўрсатади, айримлари эса онгни чаплатида. Шу бoис, ахборот билан масофани сақлаб билиш, рақамли муҳитда ўз чегарасини белгилаш медиасаводхонлигининг муҳим белгисидир.

Ушбу бoсқичлар уйғун ҳолда шакланганда жамиятда соғлом ахборот муҳити юзага келади. Бу муҳитда ахборот тараққиётга хизмат қилади, инсон онгини бойитидаи ва ижтимоий барқарорликни мустаҳкамлайди.

Рақамли макон жамият тузилмасини ўзгартирибгина қолмай, шахсининг ижтимоий ролини ҳам янгича шаклга келтирди. У инсонни тезкор реакцияга ундайди, бу эса фикр етилишидан олдин ҳулоса чиқаришга олиб келади. Шу жараёнда чуқур мушоҳада ва холис таҳлил чекинади, натижада ахборот ҳиссий воситага айланиб, онгли таҳлил иккинчи даражага сурилади. Манипуляция механизмлари айнан шу нуқтада ишга тушади. Сарлавҳалар билан кўркун уйғотиш, турли



тасвир воситалари ёрдамида ҳиссий бoсим яратиш, ярим ҳақиқатлар орқали умумий кайфиятни йўналтириш каби усуллар кенг қўлланаётганини ҳаммамиз кўриб, кузатиб турибмиз.

Ўзбекистонда ахборот макони сўнгги йилларда сезиларли даражада кенгайди. Рақамли платформалар сони ортди, ижтимоий тармоқлардан фойдаланиш кундалик ҳаётнинг ажралмас қисмига айланди, ахборот алмашувни очиклик касб этди. Бу жараён жамият учун янги имкониятлар билан бир қаторда мураккаб синовларни ҳам юзага чиқаришни ёдда тутишимиз лoзим. Негаки ютуқлар билан бирга бу соҳада айрим муаммолар ҳам ҳали-ҳамон мавжуд эканидан кўз юмиб бўлмайди. Жумладан, таълим тизимидан медиасаводхонлик масаласи ҳали етарли даражада мустаҳкам ўрин эгаллагани йўқ. Айрим фанлар доирасида ахборот билан ишлашга

онд мавзулар борлигига қарамай, бу ёндашув тизимли тус олмаган. Шунингдек, миллий ахборот маконидаги муҳим масалалардан бири сифатли контент билан боғлиқ. Чет тиллардаги ахборот оқими кўпинча устуңлик қилмоқда, мақаллий муҳитда эса чуқур таҳлилга асосланган, маданий контекстни ҳисобга олган материаллар етишмовчилиги сезилипти. Дезинформация ва сохта хабарлар ҳам жиддий муаммолардан. Текширилмаган маълумотларнинг тез тарқалиши жамиятда ишончсизлик кайфиятини кучайтиради, ижтимоий муносабатларга салбий таъсир кўрсатади. Бу жараёнда фақат техник чекловлар етарли самара бермайди. Асосий эътибор инсон онгига танқидий фикрлашни шакллантиришга қаратилиши зарур.

Мамлакатимизда кейинги вақтда миллий контент яратиш масаласига устувор аҳамият қаратилаётгани ҳам айни мана шу масалалар

билан бевосита алоқадор. Зеро, ўзбек тилидаги сифатли медиамасхусулотлар сoнини ошириш, замонавий форматларда чуқур таҳлилий материаллар яратиш, ёшлар аудиториясига мос бўлган визуал ва интерактив контентни ривожлантириш бугунги кун талабидир. Миллий контент эса замонавийликдан узилган ҳолда яшай олмайди. У рақамли муҳит талабларига мослашган, шу билан бирга, тарихий хотира ва маданий асослардан узилмаган шаклда ривожланиши зарур.

Жаҳон тажрибаси кўрсатадики, медиасаводхонлик масаласи узоқ муддатли стратегия, институционал ёндашув ва давлат сиёсати билан уйғунлашган тизимни талаб этади. Ривожланган мамлакатларда медиасаводхонлик ижтимоий барқарорлик ва миллий хавфсизлик билан боғлиқ йўналиш сифатида қаралади.

Асосийси, медиасаводхонлиқни ривожлантириш бир марпалли лойиҳа ёки қисқа муддатли кампания билан чекланиб қолмаслиги лoзим. Бу жараён жамиятнинг барча қатламларини қамраб олган тизимли ёндашувни талаб қилади. Ёнг аввало, таълим тизими ушбу стратегиянинг асосий таянч нуқтасига айланиши зарур. Ахборот билан ишлаш маданияти ёшлтидан шакланмаган шахс кейинчалик уни осoнлик билан эгаллай олмайди.

Оммавий ахборот воситалари ва рақамли платформалар ҳам мазкур жараёнда фаол иштирок этиши лoзим. Ахборот сифати, таҳлилий ёндашув, мавзуларни чуқур ёритиш жамиятда ишонч муҳитини мустаҳкамлайди. Шу билан бирга, журналист ва контент яратувчиларнинг касбий масъулияти юқори даражада бўлиши ахборот маконининг умумий даражасини белгилайди.

Ҳуқуқий механизмлар ҳам муҳим аҳамият касб этади. Ахборот хавфсизлигини таъминлаш, ижтимоий муҳитга зарар етказувчи фаолиятларнинг олдини олиш, фуқароларнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқ белгилаш ушбу йўналишнинг ажралмас қисмидир. Айни ҳолда ҳуқуқий чоралар онгли ёндашув билан уйғунлашгандагина қутилган натижани бeради.

Фуқаролик жамияти институтлари, зиёлилар ва жамоатчилик медиасаводхонлиқни ривожлантириш жараёнида муҳим ўрин тутатади. Жамиятда фикрга талабчанлик, ахборотга танлаб муносабат билдириш, шошилинч хулосалардан тийилиш маданияти шаклланса, ахборот муҳити соғломлашади. Бу жараён юқоридан паства буйруқ билан жорий этилмайди, у ижтимоий онда бoсқичма-бoсқич мустаҳкамланади.

Ахборот маданиятини юксалтириш орқали янги Ўзбекистон ўз ахборот маконида миллий манфаатларни ҳимоя қилади ва кeлажак авлод учун соғлом тафаккур муҳитини яратади. Ушбу жараён узлуксиз, масъулиятли ва изчил ёндашувни талаб этади. Айнан шу йўл жамиятнинг барқарор ривож ва маънавий юксалишига хизмат қилади.

Болаларнинг кeлажаги, фаровонлиги ва хавфсизлиги давлат учун устувор вазифалардан. Ҳар бир бола меҳр, ҳимоя ва эътиборга лoйик. Уларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланиши эса ижтимоий барқарорлик асосидир. Мамлакатимизда халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қoидaларидан кeлиб чиққан ҳолда болалар ҳуқуқларига доир миллий қонунчилик базаси яратилган. Хусусан, болаларни зўравонликнинг барча шаклидан ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асосларини яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг “Болаларни зўравонлиқнинг барча шаклларида ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуни қабул қилинди. Мамлакатимиз Богота ҳаракатлар қақурувига қўшилди ҳамда Болаларга нисбатан зўравонликка чек қўйиш бўйича глобал альянсга азo бўлди.



йилларда болаларни зўравонлиқнинг барча шаклидан ҳимоя қилиш бўйича ишлаб чиқилган стратегия тўғрисида ахборот берилган.

Стратегияда болалар учун зўравонликдан холи муҳит яратиш, зўравонлик хавфи остидагиларни барвақт аниқлаш ҳамда жабрланувчи ёки гувоҳ бўлган ўғил-қизларга комплекс хизмат кўрсатиш асосий мақсад қилинган.

Президентимиз бу борада белгиланган вазифаларни амалга оширишда ижтимоий ҳимоя ва болаларни ҳимоя қилиш соҳаларида тизимли ёндашувни таъминлаш, кўзда тутилган чора-тадбирлар ижросини доимий назоратда ушлаш бўйича мутасаддиларга тегишли топшириқлар берган эди.

Шу мақсадда давлатимиз раҳбарининг “2026-2030 йилларга мўлжалланган Болаларни зўравонлиқнинг барча шаклларида ҳимоя қилиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармониға биноан янги тартиблар, ҳуқуқий механизмлар белгиланди.

Шунингдек, фармон билан 2026-2030 йилларга мўлжалланган Болаларни зўравонлиқнинг барча шаклларида ҳимоя қилиш стратегияси ва бу стратегияни 2026-2027 йилларда амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар дастури тасдиқланди.

— Стратегиядан асосий мақсад юртимизда ҳар бир бола учун хавфсиз муҳит яратишдир. Яъни бу борада боланинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш кўзда тутилган, — дейди Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги бўлим бошлиғи Лайло Файзимуродова. — Стратегия олти йўналишдан иборат. Булар тўғридан тўғри воёга етмаганларни нафақат жамиятда, балки уларнинг процессуал, оиладаги ҳуқуқларини таъминлаш ҳамда хавфсиз таълим муҳитини

яратишга қаратилган. Шунингдек, зўравонликдан жабрланган ва зўравонлик содир этилиш хавфи остидаги болаларга ижтимоий хизматлар кўрсатиш жараёнида нодавлат но-тизиорат ташкилотларнинг иштирокини кенгайтириш, зўравонлик ҳолатлари бўйича доимий янгилаб бoрилувчи ягона маълумотлар базасини яратиш ҳамда зўравонлик ҳолатини баҳолаш ва мониторинг қилиш жараёналари мувофиқлаштирилади.

2026 йил 1 февралдан бошлаб зўравонлик натижасида оиласидан олинган ва зўравонлик хавфи остида бўлган, шунингдек, ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволдаги болалар учун процессуал тутилган оила хизмати йўлга қўйилади. Бунда профессионал тутилган оилани ташкил этишга номзодлар

ижтимоий-реабилитация дастурлари асосида ўқитилади.

Зўравонлик натижасида оиласидан олинган ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар профессионал тутилган оилага “Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари ва мазкур оилалар ўртасида тузилган шартнома асосида жойлаштирилади. Профессонал тутилган оилага жойлаштирилган ҳар бир болани парваришлаш учун ҳар ойда Ижтимоий ҳимоя давлат жағмармаси маблағлари ҳисобидан меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг 2 баравари қийматида пул тўлаб бoрилади.

Дастлаб Қашқадарё, Навоий ва Хоразм вилоятларида, йил якунига қадар республиканинг бошқа ҳудудларида ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар учун Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги тизимида кичик ҳажмли ижтимоий кўмак марказлари фаолияти йўлга қўйилади.

2026 йил 1 сентябрдан бошлаб эса зўравонликдан жабрланган ва зўравонликка гувоҳ бўлган болаларга, улар тегишли процессуал хатти-ҳаракатларга жалб этилган вақтдан эътиборан, давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатилади. Болаларга нисбатан уларнинг қонуний вакиллари ёки бошқа қариндошлари томонидан зўравонлик ҳолатлари бўйича ишни судга қадар юритиш ва суд муҳокамаси жараёнидаги барча процессуал ҳаракатларни амалга оширишда васийлик ва ҳoмийлик органи вакили мажбурий тартибда иштирок этади.

Ҳужжатга мувофиқ, Республика қиз болалар ўқув-тарбия муассасаси ва Республика ўғил болалар ўқув-тарбия муассасаси тугатилади. Давлат муассасаси шаклида Болаларни қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий интеграция маркази ҳамда унинг Самарқанд, Фаргона, Хоразм ва Бухоро вилоятларидаги ҳудудий бўлимайлари очилади.

Жорий йил 1 мартдан бошлаб “Инсон” ижтимоий хизматлар марказларида ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларнинг ота-оналари учун “Меҳри оила” хизмати йўлга қўйилади. Бу хизмат Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ҳузуридаги Болаларни қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий интеграция маркази томонидан ташкил этилади. Унга ота-оналар ёки уларнинг ўрнини бoсувчи шахслар Болалар масалалари бўйича Қoрақaлпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри ва туман (шаҳар) комиссияларининг қарори асосида жалб қилинади.

“Меҳри оила” хизматига жалб қилинган ота-оналар ёки уларнинг ўрнини бoсувчи шахсларга фарзандларининг психофизиологик ҳусусиятларини инобатга олган ҳолда болаларнинг оиласи билан бузилган муносабатларини тиклаш ва уларнинг ижтимоийлашувиға кўмаклашиш учун “oилавий терапия” хизматлари бeпул кўрсатилади.

Янги тартибга кўра, ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволдаги болалар уларнинг ҳулқ-атвори, иқтидори ва қизиқлиқларини инобатга олган ҳолда тегишли таълим ташкилотларига Болалар масалалари бўйича туман (шаҳар) комиссияси қарорига кўра ҳамда Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг йўлланмасига мувофиқ жойлаштирилади. Бунда болалар таълим ташкилотларига бeпул асосда, синовлар ва қўшимча имтиҳонларсиз қабул қилинади.


Жорий йил 1 апрелга қадар Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг “Ягона миллий ижтимоий ҳимоя” ахборот тизимида ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар ҳамда зўравонлик содир этган ёки содир этишга мойил шахслар ҳақидаги маълумотларни қамраб олган ягона электрон платформа ишлаб чиқилади.

Платформа давлат органлари ва ташкилотларининг ахборот тизимлари ҳамда “112” қисқа рақам орқали фуқароларнинг қақурувини қабул қилиш ва автоматлаштирилган тарзда қайта ишлаш имконини бeрувчи ягона диспетчерлик хизмати билан “Рақамли ҳукумат” тизимининг идораларора платформаси орқали интеграция қилинади.

Бу борада ота-оналарнинг ота-оналик қўникмаларини ривожлантириш, оилаларнинг иқтисодий ҳолатини яхшилаш ва қўллаб-қувватлаш орқали болаларга оилавий зўравонлик, жумладан, шафқатсиз муносабатда бўлиш ҳолатларини қамайитиш жуға муҳим. Шу мақсадда ижобий тарбия модели бўйича дастурлар, ота-оналар ёки уларнинг ўрнини бoсувчи шахсларнинг қўникмаларини ошириш бўйича болаларни оиладан ажратиш ва оилда болаларга шафқатсиз муносабатда бўлиш, шунингдек, болаларнинг оилавий зўравонлик, болалар ўртасида зўравонлик шакли ҳаракатларининг гувоҳи бўлишининг олдини олишга қаратилган махсус дастурлар ишлаб чиқилади.

Лутфулла СУВОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

АДАБИЙ-МАЪРИФИЙ СУХБАТ



Куни кеча Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, халқ шоири Сирожиiddин Сайиd, Республика Маънавият ва маърифат маркази рахбари Отабек Ҳасанов ҳамда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Салим Дониёров иштирокида бир гуруҳ ёш ижодкорлар, уюшма аъзолари билан адабий-маърифий суҳбат бўлиб ўтди. Мулоқот бугунги адабиёт олдида турган долзарб масалалар, ижодкор зиммасидаги масъулият ва миллий бирлик гоёси каби мавзулар атрофида кечди.

УМУМИЙ БИРДАМЛИККА
ЧОРЛОВЧИ ИЖОД
НАМУНАЛАРИГА ЭҲТИЁЖ БОР!



Адабиёт — бекиёс кудрат. У инсон онг-тафаккури, ҳис-туйғуси ва маънавий оламига бевосита таъсир этади. Бадий савияси юксак шеър, ҳикоя ва бошқа ижод намуналаридан инсон эстетик завқ олади, қалбида янги шижоат уйғонади, ҳаётга қарашлари бойийди. Эзгу гоёлар билан сугорилган асарлар инсонни юксак мақсадлар сари етаклайди, яхшилик ва бунёдкорликка илҳомлантиради.

Бугун жамиятимизга айнан қалбларда юртга муҳаббат, элга садоқатни жўш урдирадиган, дахлдорлик туйғусини мустаҳкамлайдиган, ғайратимизга ғайрат қўшиб, фидойиликка ундайдиган, миллий руҳни уйғотиб, бирликка чорлайдиган ижод намуналарига эҳтиёж катта. Шу боис, адабиётимиз намоёндалари олдида масъулиятли ва шарофтли вазифа турбиди. Ёзувчилар уюшмасида ўтган мазкур учрашув айнан шу муҳим масалаларга бағишланди.

Тадбирда таҳдидлар кучайган, дунё тобора мураккаблашиб бораётган бир паллада

нинг рўёбга чиқиши йўлида кўрсатилган матонат ҳар қандай эътирофга муносиб. Айнан шундай пайтда ким эканимизни, тарихий ил-дизларимиз, юксак гурур ва шижоатимизни акс эттирадиган ижод намуналарига эҳтиёж ҳар қачонгидан-да ортиб бормоқда. Руҳи баланд шеърлар, савияли қўшиқлар юртимиз шарафини ҳимоя қилаётган спортчиларимизга куч бағишлаши баробарида жаҳон ҳамжамиятига халқимизнинг қандай марраларини забт этишга қодир эканини ҳам баралла намоён қилиши лозим.

Айни пайтда ижтимоий тармоқлар ва телевидениеда йиғлоқи оҳанглар, саёз мазмундаги куй-қўшиқлар, савияси паст “санъат асарлари” кўпайиб бораётгани сир эмас. Шундай шароитда ҳақиқий қалам соҳибларининг халқни уйғотадиган, бирдамликка, улкан мақсадлар сари чорлайдиган асарларига эҳтиёж тобора ортмоқда. Тадбирда айни шу масалалар юзасидан фикр алмашилиб, ижодкорлар ўзаро ижодий ҳамкорликка чорланди, уларни қўллаб-қувватлаш ва муносиб



“**АЙНИ ПАЙТДА ИЖТимоий тармоқлар ва телевидениеда йиғлоқи оҳанглар, саёз мазмундаги куй-қўшиқлар, савияси паст “санъат асарлари” кўпайиб бораётгани сир эмас. Шундай шароитда ҳақиқий қалам соҳибларининг халқни уйғотадиган, бирдамликка, улкан мақсадлар сари чорлайдиган асарларига эҳтиёж тобора ортмоқда.**”

халқимиз онги ва қалбига эзгу гоёлар билан йўл топа оладиган асарлар яратиш давр талаби экани қайд этилди. Сўнгги йилларда мамлакатимиз эришяётган ютуқлар тилга олинганда спортдаги натижаларни алоҳида эътироф этиши жоиз. Хусусан, АҚШ, Мексика ва Канада меъзолиқ қиладиган футбол бўйича жаҳон чемпионатида йўлланма қўлга киритилгани замирида давлатимизнинг спортта эътибори, халқимизнинг жипслиги, тинимсиз меҳнати ва садоқати муважжам. Асрий орзу-

шароитлар яратиш масалалари муҳокама этилди. Зеро, инсон қалбиди миллий гурур ва дахлдорлик туйғуси қадриятлар, қаҳрамонликлар ва тарихий ҳақиқатлар асосида шаклланади. Ана шу ҳақиқатларни сўз қудрати билан авлодлар онига синдириши эса адабиётнинг энг олий вазифаларидан.

Рашид ХўЖАМОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири



ШУКРОНАЛИК

ЖАМИЯТ БИЛАН БИРГА
ЮКСАЛЛАЁТГАН
ИНСОН

Ирода ТОШМАТОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

“Замон ўзгармаган, одамлар ўзгарган, замон ўз жойида турибди”, дея кўп такрорларди бувим. Ҳалигача бошқотирмага ўхшаш шу ҳикматнинг мазмунига етолмайман: чиндан ҳам замон ўзгарадими ёки инсонлар?! Назаримда, замон ҳам одамлар ҳам жамиятдаги ислохотлар билан бирга ўзгариб боради.



Инсоният эволюцияси бунга бир мисол. Жамиятнинг онгли ривожланиб бориши одамзодни ибтидоий даврдан замонавий турмуш тарзига олиб кирди. Янги жамият таъсирида янгича фикрли одамлар ва янги тараққиёт пайдо бўлди. Давр ўзгариши билан эса одамлар ҳам ўзгаради...

Қор кўрган хурмолар

Ҳар йили қиш келганда ўша манзара ёдимга тушаверади: қалин қор ёққан, ҳаво жуда совуқ — қўлни чўнтакдан чиқарсанг, изгириндан музлаб қоладиган даражада. Ҳовлимиздаги кичик бассейн ичидаги сув шу қадар музлаган, ҳатто устида сирпанчиқ учганимиз. Дарахтларда бирорта бағр қолмаган, мен эса онам билан дарахтдан хурмо терляпман!

Аваллига бу иш қизиқ туюлиб, ўз хоҳишим билан бошлагандим, аммо кейин совуқ жонимдан ўта бошлади. “Нега шу хурмонни аввалроқ териб олмаганимиз? Ахир пишганига анча бўлганди-ку, нимани кутганимиз?” дея мингирлайман. Бизни четда қузатиб турган бувим эса: “Хурмо битта совуқ, қор кўрса, янада мазали бўлади. Лекин ҳозир узиб олинмаса, совуқ уради, шунинг учун айни пайтда узиб олиб, идишларга тахлаш керак”, дейди. Оқиги, бундаги маъниқни унча тушуна олмадим, аммо ишни ҳозир қилишга мажбурлигимизни англадим.

Аслида, хурмо куз фаслининг ўрталарида пишади. Мен айтаётган вақт ҳам ўша кезларга тўғри келади. У пайтларда куз ҳам худди қишдек бўларди, буни кўпчилик яхши эслайди. Октябрь ойлариданоқ қаттиқ совуқ тушиб, ёғингарчилик бошланар ва бу ҳолат то Наврўзгача давом этади. Қишда эса ҳозиргидек илқ ҳарорат қаёқда дейсиз, тизза бўйи қор ёғиб, изиллатиб юборади. Ақсига олиб, бу совуқ кунларни ўтказиш азоб эди: газ босими пасайиб, электр тинимсиз ўчарди. Уйларни иситиш ташвиши билан яшардик. Иссиқ кунларга чиқиб олиш илнжчи ортгани сари совуқ ҳам чўзилаверарди.

Хуллас, хурмони амаллаб териб олдик. Ҳаёлимда “Шу иш тезроқ битса-ю, иссиқ-қина сандалга кириб, ўраниб олсам”, деган ўй. Аммо қаёқда, энди дарахт тагига тушган шох-шабаларни супуриш вазифаси турарди. Қанча ҳархаша қилмай, онам бу ишни ҳозирроқ тутатишимиз кераклигини, кейин ҳам олишим мумкинлигини айтди. Ўнг қизиғи, хурмоларни бўш турадиган хонага олиб кирганимизда содир бўлди. Онамдан “Энди меваларни шу ердан олиб ейишимиз мумкинми?” деб сўраганимда, эшитган жавобим музлаган танамни биратўла қотириб қўйди. “Булар энди иссиқда туриб, гарқ пишиши керак, қишнинг ўрталарига бориб есак бўлади”, дея бувим иккиси меваларни плёнкага ўраб-чирмаб ташлади. Боягина совуқ кўрган хурмолар яхши пишишини айтишяётганди, энди эса бу гап... Барибир тушунмадим!

Ўйлаб қолсам: ўша пайтларда биз ўз ҳаётимизни ўзимиз қийинлаштирармидик ёки шунга мажбурмидик? Нега оддий нарсалар ҳам биз учун бунчалик мураккаб эди? Бугун ейиш керак бўлган нарсани эртага олиб қўйишга, истакларимиз ҳам чегарадан чиқмаслигига, ҳамма нарсадан ўзимизни тийиб яшашимизга қандай сабаб бор эди? Ҳозир биз кундалик истеъмол қиладиган нарсаларнинг баъзиларини ўша вақтлари кўп оилалар

фақат байрамлардагина кўриши мен учун дом ачинарли бўлган. Аксарият одамлар орзу-ҳавас билан эмас, кун кўриш учунгина яшарди. Гап фақат моддий имкониятда эмас, яшунга яраша шароитларнинг йўқлигида эди.

Ақлимни таниб қолганим боис, нега яхшироқ яшашимиз учун энг оддий шароитлар йўқлиги, нега ҳар йили қишда бир хил манзара такрорланиши ва бу мавсум келишидан безиллаб туришимиз, оилаб совуқ уйларда яшашга мажбур бўлишимиз ҳақида кўп ўйлардим. Айниқса, одам ҳатто ташқарига чиқишга эринадиган бундай совуқда онам ҳовлида туриб, ўчоқда таом пиширишга мажбур бўлиши жаҳлимни чиқарарди. Очиги, ошхонамизда ҳамма шароит муҳайё, энг замонавий газ плитаси турарди, аммо унда овқат пишириш учун газ босими етарли



эмасди. Маҳалладаги баъзи олғирлар ноқонуний йўл билан ўзига кўпроқ газ босимини оширадиган ускуна қўйганини айтмаса, деярли ҳамма хонадонда шу аҳвол ҳукмрон эди. Тошкент вилоятининг шаҳарга энг яқин қисмида яшайдиган бизникида вазият шундай бўлгандан кейин бошқа вилоятларни тасаввур қилаверинг.

Бир кун электр ўчди ва салкам уч кун ёнмади. Ҳозир ўйласам, кўрқиб кетаман: шундай совуқ ҳавода уч кун электрсиз яшаганимиз-а! “Ана келади, ана келади” илнжчи билан уч кун ўтди. У гап ҳам одамларнинг миш-миши эди, аслида, ҳеч ким бу борада на маълумот, на изох беради. Трансформатор қуйиб кетгани ва уни тузатишаётганини тахмин қилиб ўтирардик. Нарн бурса, маҳалладаги бирор абжир одамдан сўраб билардик вазиятни. Кунда-кунора чирок ўчар, сабаб ҳам тайёр — трансформатор ортиқча юклагани кўтара олмапти. Келиб уни тузатиш эса кимнингдир эсига келгунча чироксиз ўтирардик. Маҳалланинг бир неча одамлари туман электр тармоқлари биносига бориб, жанжал қилиб келгани ҳақида ҳам эшитиб қолардик. Шунда ҳам камдан-кам ҳолда натижа бўларди.

Бутун дунёда замонавий техника ривожланиб бораётган бир паллада биз шулар билан овора эдик. Телевизорда электромобиллар яратилаётгани ҳақида кўрсатув томоша қилганим ҳамон ёдимда. Ушандаёқ шундай автомобилни бошқаришни орзу қилганман, аммо бу техника ҳам бизга бир асрдан кейин етиб келса керак деб ўйлагандим. Ахир одамлар оддий автомат кир ювиш машина-

неча йилдирки, одамлар кунлаб электр токисиз қолиш ҳақида ўйламай қўйди. Тўғри, баъзан авария ҳолати сабаб электр токида узилишлар бўлиб турибди. Шунда ҳам дарров ижтимоий тармоқлар орқали хабар берилиб, бир неча соатга қолмай, энергия таъминоти тикланади. Маблаг тугаб қолган сабаб чирок ўчганда эса аввалгидек идора-идора қўрилмайдн, битта илова орқали пул тўланса, бас — дақиқалар ичида ёнади.

Яқинда бир иш билан Тошкент туманидаги маъмурий бинолардан бирига бормдим. Киришим билан электр токи ўчди. Ҳайрон бўлдим: “Кўппа-кундузи, давлат идорасида чирок ўчса-я”, деб. Ишим зарур, тез битиришим кераклиги учун дарҳол худудий электр тармоқлари идорасига кўнгиروق қилдим. Масъул шахс тезда тизим орқали ҳолатни кўриб, тармоқда авария бўлгани, ҳодимлар тузатишга юборилгани ва узогн бир соатда чирок ёнишини маълум қилди. Ҳатто авария жиддийроқ бўлгани боис, бир оз кўп вақт кетишини айтиб, узр ҳам сўради! Ҳовурирдан тушиб, кутдим ва чирок айтилган вақтдан илгарироқ ёнди. Ҳозир шундай: исталган одам исталган йўналишдаги тизимга кўнгиروق қилиб, вазиятни билиши, муаммога ечим топиши мумкин.

Эътибор берсак, “Одамлар дангаса бўлиб кетган, ҳамма ишни техника бажаряпти”



ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

деган гапларни кейинги пайтларда анча кам эшитадиган бўлдик. Чунки юртдошларимизнинг ўзи бу қулайликлар бизни дангаса қилиш учун эмас, балки вақтимизни тежаб, ўз устимизда ишлаш, шахсий ривожланиш ва соғлиғимизга вақт ажратишимизга хизмат қилаётганини англаб етди.

Инсон оғир меҳнат билан на бойиб, на соғлом бўлиб қолади. Бувиларимиз, оналаримиз қўлда кир ювиб, тинимсиз сўпур-сидир қилиб, ситир соғиб, керак бўлса, мол-ҳолга ўт юлиб келиб, тандирда нон ёпиб, хуллас, муттасил жисмоний меҳнатда яшаб, навқирон бўлиб қолгани йўқ. Аксинча, доимий толиқшдан касалликлар орттириб, ўзи учун яшашни унутиб қўйди. Болалигимизда 40-50 йили аёл-эркакни кўрсак, 80-90 ёшга кирган қария деб ўйлардик. Назаримизда, улар узоқ яшагандек туюларди. Чунки 70-80 ёшга киргунча ҳам ўзгармасди-да. Ҳозир эса 50-60 ёшли кишилар ҳам анча навқирон кўринади. Одамлар ўзи учун яшаб, ёшариб юрганидан қувонаман. Бу ҳаётимиз енгил эмас, балки яхши бўлганидан, ҳамма нарса ўз ўрнида эканидан далолат.

Юртимизда бугун ҳамма нарса инсон ва унинг яхши яшашни учун қилиняпти. Бу борада доим айрим давлатларни мисол келтириб, уларга ҳавас қилардик. Ҳозир солиштирсак, фарқ сезиларли қамайган. Биз замонавий яшай бошладик. Исталган вақтда хорижга саёхат қилиямиз. Бу фақат моддий имконият билан бўлмас, шунчаки бунга ҳеч қандай тўсиқ йўқ. Бирор хизматдан фойдаланишни истасак, телефондаги иловалар орқали бир зумда ҳал қиламиз. Кераклик нарсаларни бюртмага қилиб, элтиб бериш хизматидан фойдаланамиз. Яқинда бир танишимнинг банкдан микроқарз олиши учун 10 дақиқа ҳам кетмаганига гувоҳ бўлдим. Хуллас, исталган йўналишда ўнлаб мисол келтиришимиз мумкин.

Булар оддий нарсалар эмас, булар — биз яшаётган жамиятда инсон учун яратилган қулайликлар, яхши яшашимиз учун қилинган ислохотлардир.

Муддао шулки...

Мақолани инсон ва замоннинг ўзгариши ҳамда бу жамиятта бевосита боғлиқлиги билан бошлагандим. Ҳўш, жамиятни-чи, ўзгартирса бўладими? Албатта, бўлади. Ислохотлар орқали ўзгартриши мумкин. Биз яшаётган жамият бунга мисол. Ана шу жамиятга мослашиб, замонавийлашиб бораётган одамларимиз бунга мисол. Жамият ривожига иштирок этаётган ҳар бир юртдошимиз бунга яққол далилдир. Ёски тушунчалар ўрнини эгаллаётган замонавий қарашлар, янгича яшаш тарзи, эртага эмас, бугун яхши бўлишига интиляётган инсонлар — бунинг жонли исботи.

Мамлакатимизда 2026 йилнинг “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили” деб номлангани ҳам бежиз эмас. Бу 38 миллиондан ортиқ юртдошларимизнинг унда фаровон яшашига қаратилган навбатдаги катта қадам. Олдинга қўйилган мақсадлар ва режалаштирилган ишлар қўлани кенг. Давлатимиз рахбари Янги йил табригида бунга алоҳида ургу берди. Жорий йилда ҳам ҳар бир оиланинг бахтли, фаровон ва соғлом ҳаёт кечирishi, ёшларнинг сифатли таълим олиши, келажак касбларини эгаллаши ва спорт билан мунтазам шугулланиши учун янгидан янги имкониятлар ишга солинишини таъкидлади. Бунга барчамиз бир жамият, бир халқ бўлиб эришамиз. Чунки янгилашилларни ўзимиздан бошламай туриб, жамиятни ривожландира оламийми. Биз эса шу жамиятнинг бир бўлагимиз ва ҳар биримизни улкан ўзгаришлар кутмоқда.